# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
# QONUNI

## Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 19 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 24 ноябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бироқ айрим шахслар томонидан замонавий рақамли технологиялар ютуқларидан қонунга хилоф равишда ҳамда ғаразли мақсадларда фойдаланилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилмоқда ҳамда давлатга зарар етказилмоқда. Бу рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланишини тақозо этмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мобиль қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини ёки абонент қурилмасининг идентификациялаш модулини қонунга хилоф равишда ўзгартирганлик, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузганлик ва майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга оширганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жабрланувчининг ахборот ресурсларини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш йўли билан товламачилик қилганлик, шунингдек крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузганлик ва майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга оширганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шу билан бирга ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига дастлабки терговни ва суриштирувни амалга оширувчи орган аниқлаштирилишини назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятларнинг олдини олишга ҳамда содир этиладиган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 186, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **165-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги

таҳрирда баён этилсин:

«Товламачилик, яъни жабрланувчига ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчининг ахборот ресурсини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш ёки жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўзининг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш»;

2) **$XX^1$ боб** қуйидаги мазмундаги **$278^8$** ва **$278^9$-моддалар** билан тўлдирилсин:

### «$278^8$-модда. Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш

Крипто-активларни қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш ёки айирбошлаш, белгиланган тартибда лицензия олмасдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш ёхуд крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.

## 278$^9$-модда. Майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш

Аноним крипто-активлар майнинги билан шуғулланиш ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда майнинг фаолиятини амалга ошириш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Яширин майнингни амалга ошириш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) жуда кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди»;

3) **саккизинчи бўлим** қуйидаги мазмундаги **атамалар** билан тўлдирилсин:

«**Крипто-актив** – маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндисини ифодалайдиган, қиймати ва эгасига эга бўлган мулкий ҳуқуқ;

**Майнинг** – ҳисоблаш операцияларини амалга ошириш орқали маълумотларнинг тақсимланган реестрини сақлаш, блокларни яратиш ва уларнинг яхлитлигини тасдиқлаш фаолияти».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **345-модданинг**:

**иккинчи қисми** «$229^{4}$» рақамидан кейин «$229^{5}$» рақами билан тўлдирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «178, $186^{3}$, 188, $188^{1}$, $244^{1}$, $244^{2}$-моддаларида» деган сўзлар «178, $186^{3}$, 188, $188^{1}$, $244^{1}$, $244^{2}$-моддаларида, $278^{8}$-моддаси учинчи қисмида, $278^{9}$-моддаси тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **$381^{2}$-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги**:

«$244^{5}$-моддасида» деган сўзлар «$244^{5}$, $244^{6}$-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«$278^{7}$-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «$278^{7}$-моддаси

биринчи қисмида, $278^8$-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, $278^9$-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **$497^{36}$-моддадаги** «кассация тартибида» деган сўзлар «тафтиш тартибида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8,

800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 320-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **155$^3$**, **155$^4$** ва **155$^5$-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«155$^3$-модда. Мобиль қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини ёки абонент қурилмасининг идентификациялаш модулини қонунга хилоф равишда ўзгартириш**

Мобиль қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини қонуний ишлаб чиқарувчининг рухсатисиз ўзгартириш, худди шунингдек ушбу мақсадда махсус дастурларни ишлаб чиқиш, тарқатиш ёки улардан фойдаланиш, –

ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Абонент қурилмасининг идентификациялаш модулини қонуний ишлаб чиқарувчининг ёки унинг қонуний эгасининг рухсатисиз ўзгартириш ёки унинг нусхасини яратиш, –

ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**155$^4$-модда. Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш**

Крипто-активларни қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш ёки айирбошлаш, белгиланган тартибда лицензия олмасдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш, –

крипто-активларни ҳамда мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуролларини мусодара қилиб, ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ ўзига нисбатан маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**155$^{5}$-модда. Майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш**

Майнинг фаолиятини белгиланган тартибни бузган ҳолда амалга ошириш, –

мазкур ҳуқуқбузарликни содир этиш қуролларини мусодара қилиб, беш суткагача маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ ўзига нисбатан маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Аноним крипто-активлар майнинги билан шуғулланиш, –

крипто-активларни ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролларини мусодара қилиб, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни анча миқдорда содир этиш, –

мазкур ҳуқуқбузарликни содир этиш қуролларини мусодара қилиб, ўн суткагача маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ ўзига нисбатан маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни кўп миқдорда содир этиш, –

мазкур ҳуқуқбузарликни содир этиш қуролларини мусодара қилиб, ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ ўзига нисбатан маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «155$^{2}$» рақамидан кейин «155$^{3}$, 155$^{4}$, 155$^{5}$» рақамлари билан тўлдирилсин;

3) **248-модданинг биринчи қисмидаги** «156, 161, 183-моддаларида» деган сўзлар «155$^{3}$, 155$^{4}$, 155$^{5}$, 156, 161, 183-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддаси, 2-моддасининг 1 ва 2-бандлари, 3-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 19 январь
№ ЎРҚ–899

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING**

**QONUNI**

# О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы Республики Узбекистан и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности

Принят Законодательной палатой 19 сентября 2023 года
Одобрен Сенатом 24 ноября 2023 года

В последние годы в нашей стране осуществляются масштабные реформы, направленные на внедрение информационно-коммуникационных технологий во все отрасли.

Однако в результате незаконного и корыстного использования некоторыми лицами достижений современных цифровых технологий нарушаются права и законные интересы граждан и наносится ущерб государству. Это предполагает установление ответственности за новые виды преступлений, совершаемые с использованием цифровых технологий.

Настоящим Законом вносятся дополнения в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности, предусматривающие административную ответственность за незаконное изменение международного уникального идентификационного кода мобильного устройства или идентификационного модуля абонентского устройства, за нарушение законодательства в сфере оборота крипто-активов и незаконное осуществление деятельности по майнингу. Кроме того, вносятся изменения и дополнения в Уголовный кодекс Республики Узбекистан, предусматривающие уголовную ответственность за вымогательство путем уничтожения, изменения, завладения или блокировки информационных ресурсов потерпевшего, а также за нарушение законодательства в сфере оборота крипто-активов и незаконное осуществление деятельности по майнингу.

Вместе с тем настоящим Законом вносятся дополнения в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан, предусматривающие конкретизацию органа, осуществляющего предварительное следствие и дознание.

Данный Закон послужит предупреждению новых видов преступлений, совершаемых с использованием информационно-коммуникационных технологий, и обеспечению неотвратимости наказания за совершаемые правонарушения.

**Статья 1.** Внести в **Уголовный кодекс Республики Узбекистан**, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2012–XII (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995 г., № 1, ст. 3; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1996 г., № 9, ст. 144; 1997 г., № 2, ст. 56, № 9, ст. 241; 1998 г., № 5–6, ст. 102, № 9, ст. 181; 1999 г., № 1, ст. 20, № 5, ст. 124, № 9, ст. 229; 2000 г., № 5–6,ст. 153; 2001 г., № 1–2, ст. 23, № 9–10, ст. 165; 2002 г., № 9, ст. 165; 2003 г., № 1, ст. 8, № 9–10, ст. 149; 2004 г., № 1–2, ст. 18, № 9, ст. 171; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2005 г., № 9, ст. 314, № 12, ст.ст. 417, 418; 2006 г., № 6, ст. 261, № 12, ст. 656; 2007 г., № 4, ст.ст. 158, 166, № 6, ст. 248, № 9, ст.ст. 416, 422, № 12, ст. 607; 2008 г., № 4, ст.ст. 187, 188, 189, № 7, ст. 352, № 9, ст.ст. 485, 487, 488, № 12, ст.ст. 640, 641; 2009 г., № 1, ст. 1, № 4, ст. 128, № 9, ст.ст. 329, 334, 335, 337, № 12, ст. 470; 2010 г., № 5, ст.ст. 176, 179, № 9, ст. 341, № 12, ст.ст. 471, 477; 2011 г., № 1, ст. 1; 2012 г., № 4, ст. 108, № 9/1, ст. 242, № 12, ст. 336; 2013 г., № 4, ст. 98, № 10, ст. 263; 2014 г., № 1, ст. 2, № 5, ст. 130, № 9, ст. 244, № 12, ст. 343; 2015 г., № 6, ст. 228, № 8, ст.ст. 310, 312, № 12, ст. 452; 2016 г., № 4, ст. 125, № 9, ст. 276, № 12, ст.ст. 383, 385; 2017 г., № 3, ст. 47, № 6, ст. 300, № 9, ст.ст. 506, 510; 2018 г., № 1, ст. 4, № 4, ст.ст. 218, 224, № 7, ст. 430, № 10, ст. 679; 2019 г., № 1, ст.ст. 3, 5, № 3, ст. 161, № 5, ст.ст. 259, 267, 268, № 7, ст. 386, № 8, ст. 471, № 9, ст. 592, № 11, ст. 787, № 12, ст. 880; 2020 г., № 1, ст. 4, № 3, ст. 204, № 7, ст. 449, № 10, ст. 593, № 11, ст. 651, № 12, ст. 691; 2021 г., № 1, ст.ст. 5, 14, № 2, ст.ст. 142, 144, № 3, ст. 217, приложение к № 4, № 8, ст.ст. 800, 803, № 10, ст.ст. 966, 968, 973, № 12, ст. 1193; 2022 г., № 2, ст. 81, № 3, ст.ст. 215, 216, № 4, ст. 337, № 5, ст.ст, 464, 466, № 6, ст. 575, № 10, ст. 981; 2023 г., № 3, ст.ст. 184, 185, 186, 187, 188, № 4, ст. 265), следующие изменение и дополнения:

1) **диспозицию части первой статьи 165** изложить в следующей редакции:

«Вымогательство, то есть требование передачи чужого имущества или права на чужое имущество, предоставления имущественных выгод либо совершения действий имущественного характера под угрозой применения насилия над личностью потерпевшего или близких ему лиц, повреждения или уничтожения имущества, либо уничтожения, изменения, завладения или блокировки информационных ресурсов потерпевшего или оглашения сведений, которые они желают сохранить в тайне, распространения сведений, порочащих потерпевшего, либо путем создания обстановки, вынуждающей потерпевшего передать имущество или право на имущество»;

2) **главу XX$^{1}$** дополнить статьями **278$^{8}$** и **278$^{9}$** следующего содержания:

**«Статья 278$^{8}$. Нарушение законодательства в сфере оборота крипто-активов**

Незаконное приобретение, сбыт или обмен крипто-активов, осуществление деятельности провайдеров услуг в сфере оборота крипто-

активов без получения лицензии в установленном порядке либо осуществление операций с анонимными крипто-активами провайдерами услуг в сфере оборота крипто-активов, совершенные после применения административного взыскания за такие же действия, –

наказывается штрафом до ста базовых расчетных величин или исправительными работами от двух до трех лет либо ограничением свободы до одного года или лишением свободы до одного года.

Те же действия, совершенные:

а) повторно или опасным рецидивистом;

б) в крупном размере;

в) по предварительному сговору группой лиц, –

наказываются штрафом от трехсот до четырехсот базовых расчетных величин или ограничением свободы до трех лет либо лишением свободы до трех лет.

Те же действия, совершенные:

а) в особо крупном размере;

б) с использованием служебного положения;

в) организованной группой или в ее интересах, –

наказываются лишением свободы от трех до пяти лет.

Не подлежит ответственности лицо, добровольно заявившее о готовящемся или совершаемом преступлении и активно способствовавшее его раскрытию.

**Статья 278$^{9}$. Незаконное осуществление деятельности по майнингу**

Занятие майнингом анонимных крипто-активов или осуществление майнинга с нарушением установленного порядка, совершенной после применения административного взыскания за такие же действия, –

наказывается штрафом до ста базовых расчетных величин или исправительными работами от двух до трех лет либо ограничением свободы до одного года или лишением свободы до одного года.

Осуществление скрытого майнинга –

наказывается штрафом от ста до трехсот базовых расчетных величин или ограничением свободы до двух лет либо лишением свободы до двух лет.

Действия, предусмотренные частями первой или второй настоящей статьи, совершенные:

а) повторно или опасным рецидивистом;

б) в особо крупном размере;

в) по предварительному сговору группой лиц, –

наказываются штрафом от трехсот до четырехсот базовых расчетных величин или ограничением свободы до трех лет либо лишением свободы

до трех лет.

Действия, предусмотренные частями первой или второй настоящей статьи, совершенные:

а) с использованием служебного положения;

б) организованной группой или в ее интересах, –

наказываются лишением свободы от трех до пяти лет.

Не подлежит ответственности лицо, добровольно заявившее о готовящемся или совершаемом преступлении и активно способствовавшее его раскрытию»;

3) **раздел восьмой** дополнить **терминами** следующего содержания:

«**Крипто-актив** – имущественное право, представляющее совокупность цифровых записей в распределенном реестре данных, имеющее ценность и владельца;

**Майнинг** – деятельность по поддержанию распределенного реестра данных, созданию блоков и подтверждению их целостности путем проведения вычислительных операций».

**Статья 2.** Внести в **Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан**, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2013–XII (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995 г., № 2, ст. 5; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995 г., № 12, ст. 269; 1997 г., № 2, ст. 56, № 9, ст. 241; 1998 г., № 5–6, ст. 102, № 9, ст. 181; 1999 г., № 1, ст. 20, № 5, ст. 124, № 9, ст. 229; 2000 г., № 5–6, ст. 153, № 7–8, ст. 217; 2001 г., № 1–2, ст.ст. 11, 23, № 9–10, ст.ст. 165, 182; 2002 г., № 9, ст. 165; 2003 г., № 5, ст. 67; 2004 г., № 1–2, ст. 18, № 9, ст. 171; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2005 г., № 12, ст. 418; 2006 г., № 6,ст. 261; 2007 г., № 4, ст. 166, № 6, ст.ст. 248, 249, № 9, ст. 422, № 12, ст.ст. 594, 595, 607; 2008 г., № 4, ст.ст. 177, 187, № 9, ст.ст. 482, 484, 487, № 12, ст.ст. 636, 641; 2009 г., № 1, ст. 1, № 4, ст. 136, № 9, ст. 335, № 12, ст.ст. 469, 470; 2010 г., № 6, ст. 231, № 9, ст.ст. 334, 336, 337, 342, № 12, ст. 477; 2011 г., № 4, ст.ст. 103, 104, № 9, ст. 252, № 12/2, ст. 363; 2012 г., № 1, ст. 3, № 9/2, ст. 244, № 12, ст. 336; 2014 г., № 9, ст. 244; 2015 г., № 8, ст.ст. 310, 312, № 12, ст. 452; 2016 г., № 4, ст. 125, № 9, ст. 276, № 12, ст. 385; 2017 г., № 3, ст. 47, № 6, ст. 300, № 9, ст.ст. 506, 510, № 10, ст. 605; 2018 г., № 1, ст.ст. 1, 5, № 4, ст.ст. 218, 224, № 7, ст.ст. 430, 431, № 10, ст. 679; 2019 г., № 1, ст.ст. 3, 5, № 2, ст. 47, № 3, ст. 161, № 5, ст.ст. 259, 267, № 7, ст. 386, № 8, ст. 469, № 9, ст.ст. 589, 592, № 10, ст. 671, № 11, ст.ст. 787, 791, № 12, ст.ст. 880, 881, 891; 2020 г., № 3, ст. 204, № 5, ст. 296, № 12, ст. 689; 2021 г., № 1, ст.ст. 5, 11, 13, 14, № 2, ст.ст. 142, 144, приложение к № 4, № 8, ст.ст. 800, 803, № 9, ст. 903, № 10, ст. 973, № 12, ст. 1193; 2022 г., № 2, ст. 81, № 3, ст. 216, № 4, ст. 337, № 6, ст. 575; 2023 г., № 3, ст.ст. 184, 185 № 4, ст.ст. 265, 269, № 5, ст. 319), следующие дополнение и изменения:

1) в **статье 345**:

**часть вторую** после цифры «$229^{4}$» дополнить цифрой «$229^{5}$»;

в **части шестой** слова «статьями 178, $186^{3}$, 188, $188^{1}$, $244^{1}$, $244^{2}$» заменить словами «статьями 178, $186^{3}$, 188, $188^{1}$, $244^{1}$, $244^{2}$, частью третьей статьи $278^{8}$, частью четвертой статьи $278^{9}$»;

2) в **пункте 1 части первой статьи $381^{2}$**:

слова «статьи $244^{5}$» заменить словами «статьями $244^{5}$, $244^{6}$»;

слова «частью первой статьи $278^{7}$» заменить словами «частью первой статьи $278^{7}$, частями первой и второй статьи $278^{8}$, частями первой, второй и третьей статьи $278^{9}$»;

3) в **статьи $497^{36}$** слова «кассационном порядке» заменить словами «ревизионном порядке».

**Статья 3.** Внести в **Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности**, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2015–XII (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1995 г., № 3, ст. 6; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995 г., № 9, ст. 193, № 12, ст. 269; 1996 г., № 5–6, ст. 69, № 9, ст. 144; 1997 г., № 2, ст. 56, № 4–5, ст. 126, № 9, ст. 241; 1998 г., № 3, ст. 38, № 5–6, ст. 102, № 9, ст. 181; 1999 г., № 1, ст. 20, № 5, ст. 124, № 9, ст. 229; 2000 г., № 5–6, ст. 153, № 7–8, ст. 217; 2001 г., № 1–2, ст. 23, № 9–10, ст.ст. 165, 182; 2002 г., № 1, ст. 20, № 9, ст. 165; 2003 г., № 1, ст. 8, № 5, ст. 67, № 9–10, ст. 149; 2004 г., № 1–2, ст. 18, № 5, ст. 90, № 9, ст. 171; 2005 г., № 1, ст. 18; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2005 г., № 9, ст. 312, № 12, ст.ст. 413, 417, 418; 2006 г., № 6, ст. 261, № 9, ст. 498, № 10, ст. 536, № 12, ст.ст. 656, 659; 2007 г., № 4, ст.ст. 158, 159, 164, 165, № 9, ст.ст. 416, 421, № 12, ст.ст. 596, 604, 607; 2008 г., № 4, ст.ст. 181, 189, 192, № 9, ст.ст. 486, 488, № 12, ст.ст. 640, 641; 2009 г., № 1, ст. 1, № 9, ст.ст. 334, 335, 337, № 10, ст. 380, № 12, ст.ст. 462, 468, 470, 472, 474; 2010 г., № 5, ст.ст. 175, 179, № 6, ст. 231, № 9, ст.ст. 335, 339, 341, № 10, ст. 380, № 12, ст.ст. 468, 473, 474; 2011 г., № 1, ст. 1, № 4, ст.ст. 104, 105, № 9, ст.ст. 247, 252, № 12/2, ст. 365; 2012 г., № 4, ст. 108, № 9/1, ст. 242, № 12, ст. 336; 2013 г., № 4, ст. 98, № 10, ст. 263; 2014 г., № 1, ст. 2, № 5, ст. 130, № 9, ст. 244, № 12, ст.ст. 341, 343; 2015 г., № 6, ст. 228, № 8, ст.ст. 310, 312, № 12, ст. 452; 2016 г., № 1, ст. 2, № 4, ст. 125, № 9, ст. 276, № 12, ст.ст. 383, 385; 2017 г., № 4, ст. 137, № 6, ст. 300, № 9, ст. 510, № 10, ст. 605; 2018 г., № 1, ст.ст. 1, 4, 5, № 4, ст. 224, № 7, ст.ст. 430, 431, 432, № 10, ст.ст. 671, 673, 679; 2019 г., № 1, ст.ст. 1, 3, 5, № 2, ст. 47, № 3, ст.ст. 161, 165, 166, № 5, ст.ст. 259, 261, 267, 268, № 7, ст. 386, № 8, ст.ст. 469, 471, № 9, ст.ст. 591, 592, № 10, ст.ст. 674, 676, № 11, ст.ст. 787, 791, № 12, ст.ст. 880, 891; 2020 г., № 1, ст. 4, № 3, ст.ст. 203, 204, № 7, ст. 449, № 9, ст.ст. 539, 540, № 10, ст.ст. 593, 596,

№ 11, ст. 651, № 12, ст. 691; 2021 г., № 1, ст.ст. 5, 7, 12, 13, 14, № 2, ст. 142, № 3, ст. 217, № 4, ст.ст. 290, 293, приложение к № 4, № 8, ст.ст. 800, 802, 803, № 9, ст. 903, № 10, ст.ст. 966, 967, 968, 973, № 11, ст. 1066; 2022 г., № 1, ст.ст. 1, 2, № 2, ст.ст. 80, 81, № 3, ст.ст. 215, 216, № 4, ст. 337, № 5, ст.ст. 464, 465, 466, 467, № 8, ст. 787, № 10, ст.ст. 981, 984, № 12, ст. 1188; 2023 г., № 3, ст.ст. 184, 185, 188, 189, № 4, ст.ст. 265, 266, 268, № 5, ст. 320), следующие дополнения и изменение:

1) дополнить статьями **155$^3$**, **155$^4$** и **155$^5$** следующего содержания:

**«Статья 155$^3$. Незаконное изменение международного уникального идентификационного кода мобильного устройства или идентификационного модуля абонентского устройства**

Изменение международного уникального идентификационного кода мобильного устройства без разрешения его законного производителя, а равно разработка, распространение специальных программ или их использование для этой цели –

влечет наложение штрафа от пятнадцати до двадцати базовых расчетных величин с конфискацией орудия совершения правонарушения.

Изменение или создание копии идентификационного модуля абонентского устройства без разрешения его законного производителя или законного владельца –

влечет наложение штрафа до двадцати базовых расчетных величин с конфискацией орудия совершения правонарушения.

**Статья 155$^4$. Нарушение законодательства в сфере оборота крипто-активов**

Незаконное приобретение, сбыт или обмен крипто-активов, осуществление деятельности провайдеров услуг в сфере оборота крипто-активов без получения лицензии в установленном порядке –

влечет административный арест до пятнадцати суток или наложение штрафа от двадцати до тридцати базовых расчетных величин на лиц, в отношении которых в соответствии с настоящим Кодексом не может применяться административный арест, с конфискацией крипто-активов и орудий совершения указанных правонарушений.

Осуществление операций с анонимными крипто-активами провайдерами услуг в сфере оборота крипто-активов –

влечет наложение штрафа на должностных лиц от тридцати до сорока базовых расчетных величин.

**Статья 155$^{5}$. Незаконное осуществление деятельности по майнингу**

Осуществление деятельности по майнингу с нарушением установленного порядка –

влечет административный арест до пяти суток или наложение штрафа от двадцати до тридцати базовых расчетных величин на лиц, в отношении которых в соответствии с настоящим Кодексом не может применяться административный арест, с конфискацией орудий совершения указанного правонарушения.

Занятие майнингом анонимных крипто-активов –

влечет наложение штрафа на должностных лиц от тридцати до сорока базовых расчетных величин с конфискацией крипто-активов и орудий совершения правонарушения.

Совершение правонарушения, предусмотренного частью первой настоящей статьи, в значительном размере –

влечет административный арест до десяти суток или наложение штрафа от тридцати до пятидесяти базовых расчетных величин на лиц, в отношении которых в соответствии с настоящим Кодексом не может применяться административный арест, с конфискацией орудий совершения указанного правонарушения.

Совершение правонарушения, предусмотренного частью первой настоящей статьи, в крупном размере –

влечет административный арест до пятнадцати суток или наложение штрафа от пятидесяти до ста базовых расчетных величин на лиц, в отношении которых в соответствии с настоящим Кодексом не может применяться административный арест, с конфискацией орудий совершения указанного правонарушения»;

2) **часть первую статьи 245** после цифры «155$^{2}$» дополнить цифрами «155$^{3}$, 155$^{4}$, 155$^{5}$»;

3) в **части первой статьи 248** слова «статьями 156, 161, 183» заменить словами «статьями 155$^{3}$, 155$^{4}$, 155$^{5}$, 156, 161, 183».

**Статья 4.** Министерству внутренних дел, Министерству юстиции Республики Узбекистан и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

**Статья 5.** Кабинету Министров Республики Узбекистан:

привести решения правительства в соответствие с настоящим Законом;

обеспечить пересмотр и отмену республиканскими органами исполнительной власти их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему Закону.

**Статья 6.** Настоящий Закон вступает в силу со дня его официального опубликования.

Статья 1, пункты 1 и 2 статьи 2, статья 3 настоящего Закона вводятся в действие по истечении трех месяцев со дня вступления в силу настоящего Закона.

**Президент<br>Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

город Ташкент,
19 января 2024 года
№ ЗРУ–899